



**ЁШ ШАРҚШУНОСЛАРНИНГ АКАДЕМИК
УБАЙДУЛЛА КАРИМОВ НОМИДАГИ
XIII ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
ТЕЗИСЛАРИ**

ТОШКЕНТ-2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ МАРКАЗИ

5.14.2016
Ш

**ЁШ ШАРҚШУНОСЛАРНИНГ АКАДЕМИК
УБАЙДУЛЛА КАРИМОВ НОМИДАГИ
XIII ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
ТЕЗИСЛАРИ ТЎПЛАМИ**

ТОШКЕНТ – 2016

Кулуева Ф. Возникновение и развитие идей о демократии в Центральной Азии	101
Усманова У. Оғзаки тарих методи асосида илмий-тадқиқот олиб бориш масаласига доир	104

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

Итакулов М. Yusuf Xos Hojibning “Qutag’u bilig” dostoni na’naviy madaniyatimizning noyob namunasi sifatida	107
Лутфиллаев Ҳ. Шарқ кўлёмалари маркази (асосий) фондидаги XI-XIV асрларга тегишли айрим девонлар хусусида	109
Исматуллаев А. Саййид Шариф Журжонийнинг “Саффи Мир” асари ҳақида	111
Надалиева О. Навоий шеърини тилида кўрув феъллари услуби	114
Ҳасанова Ш. “Қуш тили” мавзусидаги янги дoston ҳақида	117
Эмиҳамедова М. Манбаларни варақлаганда	120
Ғайзиева С. Зуллисонайн шоир Адо асарлари	123
Аионов М. Азиз Ғузорий	126
Жабборова М. “Қиссаи Жамшид”нинг халқ варианты	128
Муҳиддинова Д. Замонавий араб ҳикоянавислигида аъана ва новаторлик	134

ФАН ТАРИХИ

Раҳимов К. Сополли маданиятининг мғалл эритиш ўчоқлари	138
Раҳмудов О. Европада шарқ олимлари илмий меросини ўранишда тоledo мактабининг ўрни хусусида	141
Абдуллаев Б. Кошийнинг “Зижи Хоқоний” ва Улуғбекнинг “Зижи жадиди Гурагоний” асарлари орасидаги фарқлар	145
Шукрхо’jayev М. Ali Qushchining hayot yo’liga bir nazar	147
Жманазаров Х. Табибларнинг халқ орасидаги номлари	150
Бордиев Х., Чориев У. Нурота воҳаси топонимлари таънифига оид	153

Табибларнинг халқ орасидаги номлари

Ўзбек халқ табobati аънаналари аждодларимизнинг асрлар давомида тўплаган эмпирик билимлари, турмуш тарзи, диний карашлари, хўжаликда кўлга киритган ютуқлари ва бошқа тажрибалари асосида тўпланган билимлари натижасида шаклланиб борган. Тўпланган эмпирик билимлар ҳамда кўлга киритилган ютуқлар вақт ўтган сари маълум доирада ёки бир оила аъзолари ичида тўпланиши оқибатида табиблик касби, бунинг оқибатида сулолавий табиблар юзага келди.

Аввало «табиб» атамасига тўхталиб ўтсак. «Табиб» (طبيب) сўзининг асоси арабча «тибб» бўлиб, «даво» маъносида кўлланилади. Араб тилида саломатликни асраш, даволаш ва дори-дармон билан боғлиқ амалиётни ифодаловчи сўз «тибобат» дейилади. Сўзнинг ўзаги арабчи «табба» – феъли бўлиб, «даволаш» деган маънони билдиради. Бундан кўйидаги сўзлар ясалган: «тиббун-тиб» – даво, «тиббатун тибобат» – даволаш, табиблик қилиш, «табибун-табиб» – ҳаким¹⁵⁵. Табиб замонасининг ўқимишли ва ўз соҳасида маълум тажрибага эга шахси бўлган¹⁵⁶ ҳамда жамият томонидан эъзозланган.

Табиблар халқ томонидан турли атамалар билан номланган. Натижада, табибларнинг ўз исм шарифидан ташқари халқ томонидан кўлланиладиган бошқа “исм”лари ҳам бўлган. Халқ томонидан табибларга ном беришда кўйидаги омилар асос қилиб олинган:

- маълум касалликни даволаш усулига қараб аташ;
- тавсия этадиган дори турига қараб номлаш;
- айрим ҳолларда табибларнинг миллатига қараб номлаш;

¹⁵⁵ Ҳамроев М. Тиббийетми? Табобатми? // Шарқ табobati. № 3. Тошкент, 2009. Б. 19.

¹⁵⁶ Эл соғлиги – юрт бойлиги. Методик-библиографик кўлланма. Тошкент, 2005. Б.7.

– табибларнинг хизмат ҳақига нисбатан аталиши.

Бугунги кунда ҳам халқ орасида юқорида келтирилган омиллар асосида номланадиган табиблар кенг тарқалган. Олиб борилган этнографик тадқиқотлар жараёнида маҳаллий аҳоли томонидан кенг қўлланиладиган турли халқона номларга гувоҳ бўлдик.

1. Маълум касалликни даволаш усулига қараб номланиши. Бухоро шаҳрида маҳаллий аҳоли томонидан “Гайморитчи бува” номи билан аталадиган табиб мавжуд. Бу табиб факатгина гайморит касаллигини даволаш билан ном чиқарганлиги сабабли шундай ном олган. Яна бир кенг тарқалган ном “тандир табиб” бўлиб, бу табиб инсон тана аъзоларида кузатиладиган турли шамоллашларни тандирга солиш билан даволаб келмоқда. Бу усул қадимий бўлиб, кейинги йилларда табибларимиз ўзларига мослаб қурилган тандирлардан фойдаланмоқдалар. Бундай ном Яккабоғ, Нарпай ҳудудларида ишлатилади. Даволаш усулига доир учинчи ном “очлик” ёки “очлик билан даволовчи” номидир. Каттақўргон шаҳрида (Самарқанд) жойлашган парҳез билан даволаш муассаси ва раҳбари маҳаллий аҳоли томонидан шундай аталади.

2. Тавсия этадиган ёки фойдаланадиган дори турига қараб. Термиз шаҳрида “Илон табиб” номи билан элга танилган табиб фаолият юритади. Бу табиб турли касалликларни илон тана қисмларидан тайёрланган дорилар орқали даволайди. Халқ ҳам шундан келиб чиқиб, табиб номини дори хом ашёси билан атайди.

3. Табибларнинг миллатига қараб ажратиш бугунги кунда учрамаса-да, айрим тарихий манбаларда бу ҳақида турли маълумотлар учрайди. Масалан, XVI асрда Самарқандда “хуросонлик табиб” (исми Султон Али)¹⁵⁷ фаолият юритгани тарихий манбаларда тилга олинади. Бундан ташқари, т.ф.д., проф. А. Қодиров юртимизда фаолият юритган “афғон табиб” ҳақида маълумот берад экан: “Тошкентда бир афғонистонлик табиб

¹⁵⁷ Усмонов Ш. Илк шифо масканлари // Фан ва турмуш. № 6. Тошкент, 1998. Б. 28.

яшарди. Унинг исмини мен ёдимда саклаб колган эмасман. Халк уни «афгон табиб», деб атарди”¹⁵⁸ – дейди.

4. Табибларнинг халқ томонидан номланишининг яна бир омили, уларнинг хизмат ҳақи ва гиёҳларининг нархидир. Жумладан, Наманган шаҳрида “Камбағал табиб” деб танилган ҳаким фаолият юритади. Бунинг сабаби, ўша табиб чор атрофдаги камбағал ва имконияти чекланган беморларни арзон ёки текинга ҳам даволайди. Шу мақсадда халқ уни камбағалпарвар сифатида талқин қилади. Бундай табиблар республикаимизнинг барча ҳудудларидамавжуд ва улар ҳам халқ томонидан юқоридаги атамага ўхшаш ном билан тилга олинади.

Табиблар фаолиятининг кенгайиши ҳамда уларга бўлган талабнинг ошиши натижасида айрим ҳолларда жой номлари ҳам “табиб” сўзи ёки табибнинг исми билан аталган. Масалан, ўтган аср бошларида Тошкентнинг Себзор даҳасидаги кичик кўча – «Табиб кўча» номи билан танилиб, асли табиблар манзилгоҳи ҳисобланган ¹⁵⁹. Бугунги кунда эса Миробод туманидаги Мингўрик шаҳристони кўчаларидан бири “Моштабиб” номи билан аталади¹⁶⁰.

Қадимги даврдан бошлаб табиблар, ҳакимлар халқ томонидан юксак эҳтиромга сазавор бўлганлар. Халқ уларнинг меҳнати ва касбини эъзозлаган. Табибларнинг ўз исми шарифидан ташқари халқ томонидан бундай аталиши уларнинг ўз соҳасида етук мутахассис эканлигидан келиб чиқади. Ўз йўналишида беморларни сифатли даволагани, тавсия этаётган дориларининг фойда бериши ҳамда халқнинг имконияти билан ҳисоблашиши натижасида обрў қозонганлар. Халқ уларни шу йўналишда “ўз касбининг устаси” сифатида тан олган. Бугунги кунда табиблар фаолиятини ривожлантириш борасида яратилган имкониятлар ва шу асосда юзага келган “Халқ табобати академияси”нинг саъй-ҳаракатлари натижасида шарқ табобати

¹⁵⁸ Қодиров А. Ўзбекистон тиббиёти тарихи. Тошкент, 2001. Б.144.

¹⁵⁹ Убайдуллаев Р. Манноп табиб // Сихат-саломатлик. № 5–6. Тошкент, 1997. Б.30.

¹⁶⁰ Моштабиб / Тошкент энциклопедияси. Тошкент, 2009. Б.364.

анъаналарини ўрганиш ва уни амалиётга тадбик этиш янги босқичга кўтарилди. Бугунги кунда ҳам табиблар самарали фаолият юритаётгани ҳамда халқ томонидан тилга олинishi уларни турли номлар билан аҳоли ўтасида шуҳрат топганидан далолатдир.

Х. Бердиев, У. Чориев

ТошДТУ

Нурота воҳаси топонимлари таснифига оид

Нурота воҳаси топонимияси таснифига географик жойлашув, иклим хусусияти, тупроқ, ўсимлик олами, ҳайвоноти, аҳоли манзилларининг турли тоифа номлари(этнотопонимлар, антропопонимлар, социал атамаларга хос топонимлар) каби туркумларга бўлиб тавсифланди. Ушбу тавсиф ва таснифга кўра йиғилган ҳамда хариталарда тўпланган материаллар бўйича Нурота воҳасидаги топонимик манзарада аҳоли манзиллар¹⁶¹га кўра 904 та, географик жойлашувига кўра 640 та, иклим хусусиятлари бўйича 200 га яқин, этник шаклланишига оид 80 та, тупроқ хусусиятларига кўра 42 та, ҳайвонот дунёсига қараб 38 та, хўжалик ҳаёти бўйича 36 та, ўсимликлар оламига кўра 22 та, диний қарашларга оид 19 та топонимлар мавжуд эканлиги аниқланди.

Топонимларнинг тавсифи ва таснифида объектларга муносабат масаласи сезиларли ўринга эга. Хусусан, Чашма, Кўкбулоқ, Жайлов, Кудуқ каби формант (баъзан улар мустақил топоним)лар шулар жумласидандир. Бунда расмий ва норасмий атамалар нисбати ҳам эътиборли. Масалан, “жомон туркман”,

¹⁶¹ Управление геодезии и картографии при кабинете министров Узбекистан // Состояние местности на 1988г. Издание 2000 г. // Объединенный штаб Вооружённых Сил Республики Узбекистан// Состояние местности на 1984–1988 г; 1984–1992 г; 1984–1995 г; 1988–1994 г; 1990–1994 г. Издание 2001–2004 г.